

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Термиз туманида долзарб 40 кунлик



#Yashil_makon_umummilliuy_loyiha

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Термиз туманида долзарб 40 кунлик

Туман Ички ишлар бўлими

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида навбатдаги дараҳт экиш акциялари Термиз туман Ички ишлар бўлимида ташкил этилди. Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи М.Амонтўраев ташаббуси билан бугун эрта тонгдан бўлим худудида жойлашган бўш ер майдонларига манзарали ва мевали дараҳт кўчатларини ўтказиш ва мавжуд боғда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Тадбир давомида юздан ортиқ манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари экилиб, мавжуд боғдаги дараҳт оралиқларига ишлов бериш, буташ ва шудгорлаш ишлари олиб борилди.

Куни-кеча 3-Сектор штаби жойлашган “Орол” маҳалласида ҳам дараҳт экиш ишлари олиб борилган эди.









